



Legal issues of determining the pedigree of children based on modern realities

Zulfiya NURALIEVA¹

High School of Judges under Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2022

Received in revised form

15 December 2022

Accepted 20 January 2023

Available online

15 February 2023

Keywords:

rights of the child,
parental responsibilities,
genealogy,
establishing the origin of the
child,
kinship,
duties of spouses,
establishing paternity,
surrogate motherhood.

ABSTRACT

The child's right to genealogy, that is, the child's right to know about his ancestors, is considered an important universal human right and value. Because everyone has the right to build a life path, knowing who their ancestors are, rely on their past, be proud of their ancestors, and build their future on this basis. Lineage is one of the criteria used to select a person's first and last name. In addition, the pedigree has a certain influence on entry into family relationships. Also, knowledge of the child's pedigree plays an important role in determining his family ties and, on this basis, in determining his rights and obligations with his relatives.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss1/S-pp86-97>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Замонавий воқеликлар негизда болалар насл-насабини белгилашнинг ҳуқуқий масалалари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

бола ҳуқуқлари,
ота-онанинг
мажбуриятлари,
насл-насаб,
боланинг келиб чиқишини
аниқлаш,
қариндошлик,
эр-хотиннинг
мажбуриятлари,
оталикни аниқлаш,
суррогат оналик.

Боланинг насл-насабга бўлган ҳуқуқи, яъни бола ўзининг аجدодлари ҳақида билиш ҳуқуқи муҳим умуминсоний ҳуқуқ ва қадрият саналади. Чунки ҳар киши ўз аجدодлари кимлигини билиш орқали ҳаёт йўлини қуриш, ўзининг ўтмишига таяниш, аجدодлари билан фахрланиш ва келажагини шу асосда қуришга ҳақлидир. Насл-насаб кишининг исм-шарифи ва ном танлашига ҳам таяниладиган мезонлардан биридир. Қолаверса, насл-насаб оилавий муносабатларга киришишга ҳам муайян таъсирни ўтказди. Шунингдек, боланинг насл-насабини билиши унинг қариндошлик алоқаларини аниқлашга ҳамда шу асосда ўз қариндошлари билан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда ҳам муҳим ўрин тутди.

¹ Independent researcher, High School of Judges under Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan.

Правовые вопросы определения родословной детей исходя из современных реалий

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

права ребенка,
родительские
обязанности,
генеалогия,
установление
происхождения ребенка,
родство,
обязанности супругов,
установление отцовства,
суррогатное материнство.

Право ребенка на генеалогию, то есть право ребенка знать о своих предках, считается важным общечеловеческим правом и ценностью. Потому что каждый имеет право строить жизненный путь, зная, кто его предки, опираться на свое прошлое, гордиться своими предками и на этой основе строить свое будущее. Происхождение является одним из критериев, используемых для выбора имени и фамилии человека. Кроме того, родословная оказывает определенное влияние на вступление в семейные отношения. Также знание родословной ребенка играет важную роль в определении его родственных связей и на этой основе в определении его прав и обязанностей с его родственниками.

Ҳар бир боланинг мавжудлиги факти расман тан олинши керак. Исмга ва фуқароликка бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши болага ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятини беради. Боланинг туғилиши рўйхатга олинганидан кейин давлат боланинг мавжудлигини расман тан олади, бундан ташқари, рўйхатга олиш асосида унинг келиб чиқиши, яъни насл-насаби ва ота-онаси (онаси ва отаси) билан қариндошлиги ўрнатилади.

Бола ҳуқуқлари Декларациясининг 3-принципи “бола туғилгандан бошлаб исм олиш ҳуқуқига эга бўлиши керак”лигини белгилайди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга кўра, ҳар бир бола туғилгандан кейин дарҳол рўйхатдан ўтиши ва исмга эга бўлиши лозим”. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 7-моддаси ҳам болани туғилгандан кейин дарҳол рўйхатдан ўтказишга мажбур қилади: “бола туғилгандан кейин дарҳол рўйхатдан ўтиши шарт ва туғилган пайтдан бошлаб исм ва фуқаролик олиш, шунингдек, имкон даражасида ўз ота-онасини билиш ва уларнинг эътироф этиш ҳуқуқига эга ҳисобланади”.

Бундан ташқари, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция боланинг исм, миллат ва оилавий муносабатларга бўлган ҳуқуқини боланинг индивидуаллиги(identity)ни сақлаб қолиш ҳуқуқи деб ҳисоблайди. Иштирокчи давлатлар боланинг ушбу ҳуқуқини, қонунда назарда тутилганидек, ноқонуний аралашувга йўл қўймасдан ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Агар бола ўз шахсиятининг бир қисми ёки барча элементларидан ноқонуний равишда маҳрум бўлса, иштирокчи давлатлар унга имкон қадар тезроқ унинг индивидуаллигини тиклаш учун зарур ёрдам ва ҳимоя кўрсатадилар.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида “ҳар бир бола туғилган пайтдан эътиборан фамилия, исм, ота исми олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш ҳуқуқига, шунингдек, уларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эга”лиги белгиланган. Демак, ҳар бир бола туғилган пайтдан бошлаб исм олиш ҳуқуқига эга, шу билан бирга, боланинг туғилишини рўйхатдан ўтказиш жойи ва тартиби оилавий қонунчилик билан белгиланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 704-сонли қарорига илова “Туғилганликни қайд этиш билан

боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг Маъмурий Регламенти” 6-банди биринчи хатбошисига кўра “Бола туғилган жойдаги тиббиёт муассасаси ходими бола туғилганидан сўнг 1 иш куни ичида бола ва унга бериладиган фамилия, исм ва ота исми, ота-она ва уларнинг никоҳи ҳақидаги маълумотларни “Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан, перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш” ахборот алмашинуви тизимига киритади”. Мазкур Регламентнинг 7-бандига кўра ФХДЁ бўлими “Ариза берувчиларнинг исталган вақтдаги талабига асосан туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномани экстерриториал тамойил асосида расмийлаштириб беради”. Бугунги кунда бундай гувоҳномалар бола туғилган жойдаги тиббиёт муассасаси томонидан ҳам берилмоқда.

ОКнинг 60-моддаси биринчи қисмига кўра “боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг хужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади”.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарорига 1-илова “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”нинг 20-банди тўртинчи-бешинчи хатбошиларида “бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолларда боланинг шу онадан туғилганлиги(оналик)ни белгилашга оид кўрсатмалар назарда тутилган. Бу ҳолатларда “туғилган боланинг туғилганлигини қайд этиш участка шифокори (фельдшер ёки акушер) томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилади” ва “бундай ҳолатларда боланинг ушбу онадан туғилганлигига гувоҳ бўлганлар иштирокида тузилган ва участка шифокори (фельдшер ёки акушер) тасдиқлаган далолатнома тиббий маълумотнома бериш учун асос ҳисобланади”.

Амалдаги қонунчилик “никоҳда туғилган бола” тушунчасига таъриф беради. Албатта, бундай тушунчанинг қонунчилик даражасида белгиланиши боланинг ҳуқуқий мақомини тўлиқ ифодалашга хизмат қилади. Одатда нормал ҳолатда фарқли равишда, яъни никоҳдан ажратиш ёки никоҳнинг ҳақиқий эмаслигидан қатъий назар, 300 кун ичида туғилган бола “никоҳда туғилган бола” мақомига эга бўлади. Бунда никоҳ тузилганидан кейин қуйидаги ҳолатлар: эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги сабабли никоҳ тугаганлигидан сўнг 300 кун ичида туғилган бола никоҳда туғилган ҳисобланади.

Шу билан бирга, боланинг насл-насабини белгилаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир жиҳат никоҳ тугаганидан кейин аёлнинг янги никоҳга кириши ва биринчи никоҳ тугаганидан кейин 300 кун ичида туғилган боланинг қайси никоҳда туғилганлиги билан боғлиқдир. Амалдаги қонунчиликка кўра бундай ҳолларда “бола янги никоҳда туғилган” ҳисобланади (ОКнинг 60-моддаси учинчи қисми). Бироқ бу ҳолатда биринчи никоҳдаги собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби юзасидан низолашишга ҳақли ҳисобланади. Мазкур қонуннинг амалдаги қонунчиликда белгиланиши оталикнинг аҳамияти ҳамда эркакнинг ўз номи ва насли давом этишига бўлган ҳуқуқнинг амал қилиши билан боғлиқ. М.А.Гусевнинг фикрича, “оталик-бу ўз наслини давом эттиришга, ўз Ватанининг муносиб фуқароларининг кейинги авлодини тарбиялашга қаратилган вояга етган инсоннинг табиий ҳолати ва асосий функцияларидан биридир” [1].

Оталикни белгилашнинг бошланғич нуқтаси бола онасининг эри томонидан, агар бола никоҳдан кейин маълум вақт ичида ёки у тугаганидан кейин қонуний никоҳда ҳомиладор бўлса, оталик презумпцияси ҳисобланади. Оналик, аксинча, боланинг туғилиши орқали белгиланади ва кўпчилик юрисдикцияларда аёлнинг оилавий аҳволига боғлиқ эмас. Шундай қилиб, агар оталик никоҳнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлса, оналик биологик масала бўлиб қолади [2].

Бундай ёндашув, айниқса, никоҳсиз туғилган бола ота-оналик ҳуқуқига эга бўлмаган ва натижада жиддий камситишларга дучор бўлган мусулмон мамлакатларида муҳим аҳамиятга эга. У биологик отасининг исмини олиш, ундан алимент ундириш ва унинг мол-мулкани мерос қилиб олиш ҳуқуқига эга эмас. Бу болалар ижтимоий стигмага ҳам дуч келишади. Ёлғиз оналар боланинг келиб чиқишини аниқлашга, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олишга, фуқаролигини унга ўтказишга уринишларида қаршиликка дуч келишади [3].

Халқаро ҳуқуқда бўлгани каби ислом ҳуқуқида ҳам эр-хотин-бола муносабатларига ёндашувлар ўзгармоқда. Қуръон матнларининг соддалаштирилган сўзма-сўз талқини урушлар ва табиий офатлар туфайли ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар туфайли танқид қилинди. Шу ва бошқа ҳодисалар ота-она қарамоғисиз қолган болалар учун муқобил оилавий муносабатларни талаб қиладиган давлатлар ва жамиятларга қўшимча мажбуриятларни юклайди. Ҳиндистонда насл-насабни ўрнатиш ва фарзандликка олишда қўлланиладиган ислом нормаларининг талқини ушбу мамлакатда Британия империясининг узоқ ҳукмронлиги даврида, кейинроқ дунёвий ҳуқуқ нормалари билан ўзгартирилди [4].

Мусулмон мамлакатларида боланинг келиб чиқишини ўрнатиш “ижтимоийлашуви”нинг яхши намунасини Сомалида кўриш мумкин, бу ерда фуқаролар уруши ҳамда давлат ва жамоат тузилмаларининг вайрон бўлиши сабабли расмий фарзанд асраб олиш (adoption) тўғрисидаги қонун қабул қилинган. 2007 йилда рўй берган кучли зилзила кўплаб болалар ота-оналари ва катталарини йўқотган Покистонда ҳам муқобил оилаларни жойлаштириш давлат сиёсатига айланди [5].

Германияда оталик тартиби бироз бошқача ёндашувга эга. Мамлакатда тест ўтказиладиган кишининг розилигисиз ДНК ташувчиси сифатида соч, тирноқ ва ҳоказоларни олиш жазоланадиган жиноят ҳисобланишига оид муайян қонун амал қилади. Германия қонунчилигига кўра, генетик материаллар эгасининг шахсий мулки ҳисобланади. Бундан ташқари, энди боланинг психологик фаровонлиги ҳисобга олинади, чунки унинг “ҳақиқий” отаси биологик эмаслигини билиш унинг учун жиддий “шикаст” бўлади. Шунинг учун, 2008 йилдан бери таомиллар қайта кўриб чиқилди, натижада фақат иккитаси қонуний равишда амалга оширилиши мумкин.

Оталикни ўрнатишнинг биринчи усули боланинг “насл-насаби” деб аталадиган нарсани аниқлашга ёрдам беради. Бу шуни англатадики, ҳар қандай ота-она оталикни аниқлаш учун сўров юбориши мумкин, аммо томонлар тест топширмаслик ҳуқуқига эга. Шунингдек бунда ўғил ёки қизнинг жисмоний ҳолати ҳам аниқланади. Мисол учун, агар ўсмирнинг вазни кам бўлса, таомил давомийлигини узайтириш мумкин, чунки амалга оширилган ҳаракатлар боланинг соғлиғини ёмонлаштириши мумкин.

Иккинчи усул оталикни тўғридан-тўғри тасдиқлаш учун эмас, балки уни инкор этиш учун ишлатилади. Бунда топширилган аризанинг амал қилиш муддати икки йил қилиб белгиланади. Яъни томонларга ҳамма нарса ҳақида ўйлаш учун вақт берилади. Агар оталикни белгилаш учун ариза берилса, таомил тўхтатилади.

Буюк Британияда ота-оналар ўртасидаги низони бартараф этиш мақсадида ДНК тести ўтказилади. Жараён ихтиёрий равишда ҳам, суд тартибида ҳам амалга оширилади. Шу билан бирга, 16 ёшдан ошган болалар ўзларининг генетик материалларини тақдим этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Ота-оналик махсус муассасаларда тегишли ариза топширилгандан кейин ўрнатилади. Агар экспертиза тахмин қилинган эркак ота эмаслигини кўрсатган бўлса, у ўз навбатида аёлни фирибгарлик учун судга бериши мумкин. Гап шундаки, Англияда қонун бор, унга кўра аёл билмаса ёки шубҳа қилса, боланинг биологик отасини номлай олмайди. Агар она бола ва эркак ўртасидаги қариндошлик муносабатларни ўрнатишни талаб қилса ва ота сифатида аниқ шахс кўрсатса, у туҳмат ва алиментни фирибгарлик йўли билан олишга уринишда айбланиши мумкинлигига тайёр бўлиши керак.

Ҳақиқатан ҳам кишини эсанкиратадиган воқеа АҚШда боланинг онаси унинг “отаси” деб тан олинганида содир бўлди. Ноанъанавий йўналиш (нетрадиционная ориентация)даги аёл жарроҳлик йўли билан жинсини ўзгартирди ва ўз “дўсти”га уйланди. Кейин эр-хотин фарзанд кўришни хоҳлашди ва Трейси (эндликда “эр”) сунъий уруғлантиришга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Натижада туғилган болани рўйхатдан ўтказиш керак эди ва Трейси ҳужжатларга кўра эркак бўлгани учун унга бола устидан оталик тайинланди.

Америкалик эгизаклар билан қизиқ ҳолат содир бўлган. Шундай қилиб, эгизаклар билмаган ҳолда битта аёл билан учрашишди. Натижада у ҳомиладор бўлиб, эгизаклардан бирининг отасини эълон қилди. Бироқ боланинг отаси деб айтилган эгизаклардан бири алимент тўлашни истамади ва судга даъво қўзғатди ва боланинг ҳақиқий отаси ўзининг эгизак укаси эканлигини эътироф этди. Қариндошлик ДНК синовидан ўтиш орқали аниқланди, аммо эгизакларнинг генетик материали деярли бир хил бўлгани учун у натижа бермади. Таҳлил шуни кўрсатдики, уларнинг иккаласи ҳам 99,9% боланинг отаси ҳисобланади.

Германиянинг Штутгарт шаҳрида яна бир ажабланарли иш содир бўлди. Эр-хотин узоқ вақт фарзанд кўра олмадилар. Бунинг сабаби эрининг бепуштлиги эди. Шунинг учун у ҳаддан ташқари чоралар кўришга қарор қилди ва эр-хотинга муаммони ҳал қилишда ёрдам бериш учун қўшнисига пул тўлади. Қўшнининг ўзи ҳам уйланган ва икки фарзанди бор эди. Олти ойлик ҳомиладор бўлишга беҳуда уринишлардан сўнг, ташаббускор эр қўшнисидан ҳам тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишни сўради. Натижалар унинг хотинидан ташқари барчани ҳайратда қолдирди – қўшни стерил бўлиб чиқди. У ўғилларнинг борлигини қандай тушунтирганлиги эса ноаниқдир.

Нидерландияда ҳам қизиқарли воқеа содир бўлди. Эр-хотин сунъий уруғлантиришга мурожаат қилишди. Жараён муваффақиятли ўтди ва бахтли ота-оналар 9 ойдан кейин эгизакларни тарбиялай бошладилар. Бироқ эр-хотин нимадир нотўғри эканлигига шубҳа қилишди, чунки болалардан бирининг сочлари сариқ, териси оқ ва кўзлари кўк, иккинчисининг териси ва сочлари қора

эди. Эр-хотин оталикни белгилаш учун ариза беришди, натижада турмуш ўртоғи биологик кўрсаткичларга кўра фақат битта боланинг отаси эканлиги маълум бўлди. Маълум бўлишича, сунъий уруғлантиришни амалга оширган ташкилотнинг эрининг уруғлаш материални бутунлай бошқа одамнинг материали билан аралаштирган. Эр-хотин болаларни тарбиялашда давом этишди ва компания маънавий зарар учун жиддий компенсация тўлаши керак эди [6].

Англиялик бир киши 22 йиллик кутишдан кейин боланинг отаси бўлди. Гап шундаки, 16 ёшида унга лейкомия ташҳиси қўйилган ва йигит генетик материални музлатишга қарор қилган. Муваффақиятли даволаниш ва биокимёвий терапиядан сўнг, эркак стерил бўлиб қолди, аммо генетик материалнинг крионизацияси унга ва унинг хотинига сунъий уруғлантириш ёрдамида қизалоқнинг ота-онаси бўлишга имкон берди. Айтганча, генетик материални узоқ вақт сақлаш ва музлатиш бўйича бу жаҳон рекордидир.

Индонезияда 2012 йилда Конституциявий суд никоҳсиз туғилган болалар, агар уларнинг қариндошлик муносабатлари тиббий технологиялар ёрдамида ишончли исботланган бўлса, бола биологик отаси билан юридик боғлиқликка эга деб қарор қилди. Бундай болалар биологик отасидан моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Ушбу радикал қарор қонуний ва диний ҳамжамиятга сезиларли таъсир кўрсатди. Диний нормалардаги ўзгаришларнинг рад етилиши конституциявий суд қарорининг ҳуқуқий оқибатлари кутилганидан анча чекланганлигига олиб келди, никоҳсиз туғилган болалар алимент олиш ҳуқуқига эга бўлишига қарамай, уларнинг отасидан кейин мерос олиш ҳуқуқи ҳали ҳам тан олинмаган [7].

Индонезияда оила ҳуқуқи асосан ислом нормаларига асосланганлиги сабабли, болаларнинг келиб чиқиши ва уларни асраб олиш билан боғлиқ ташқи нормалар ва стандартларни исломий оила қонунларига қўшилишга имкон берадиган баъзи ўзгартиришларсиз қўллаш мумкин эмас. Ушбу нормалар ислом нормаларини тўлдирадиган шартлар сифатида қаралади. Бошқача қилиб айтганда, ташқи меъёрлар ва тушунчалар исломнинг асосий нормаларини бекор қилмасдан ёки ўзгартирмасдан янгича талқин қилиш имкониятини очади. Шундай қилиб, биологик оталик ва асраб олиш тушунчалари Индонезиянинг исломий оила қонуни доирасида мусулмонларга нисбатан қўлланилади, гарчи улар никоҳда боланинг келиб чиқиши тушунчасига рози бўлмасалар ҳам (marital child) [8].

Ислом ҳуқуқининг замонавий талқинлари, шунингдек, давлатларнинг янги қонунлари бола ва унинг ота-онаси ўртасида алоқа ўрнатишга қатъий ёндашувни юмшатишга қаратилган. Бунда асосий эътибор ислом қонунларининг постулатларини бузмасдан, боланинг келиб чиқишини аниқлашга қаратилган. Бир томондан, боланинг насл-насабининг аниқланиши тобора кўпроқ ота-онасининг никоҳидан келиб чиқадиган мақомнинг натижаси сифатида эмас, балки боланинг ҳуқуқи сифатида қаралмоқда. Бошқа томондан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида “боланинг энг мақбул манфаатлари” концепциясидан фойдаланиш, гарчи у деярли барча мусулмон давлатлари ва яқин Шарқ давлатларида қайд этилган бўлса-да, насабни тартибга солувчи қонунларга киритилмаган [9]. Индонезия мисоли шуни кўрсатадики, “боланинг энг мақбул манфаатлари” концепцияси ҳам ислом ҳуқуқига трансформация қилиниши билан бирга, ислом ҳуқуқи таъсири остида ўзгармоқда. Ушбу концепция Ислом судлари томонидан дунёвий меъёрларни, шу жумладан, никоҳни рўйхатдан ўтказиш ва никоҳ ёши тўғрисидаги нормаларни қўлламасликни асослаш учун ишлатилади, аммо исломнинг асосий тушунчаларини қўлламасликни асослаш учун деярли фойдаланилмайди [10].

Мусулмон жамоаларининг ўзгарувчан амалиётлари жаҳон ҳамжамияти билан баҳам кўрилган қадриятлар ва ёндашувлар спектрининг пайдо бўлишидан далолат беради, бу давлатларнинг БМТнинг бола ҳуқуқлари қўмитасига берган ҳисоботлари билан ҳам тасдиқланган. Шу билан бирга, айрим масалаларни халқаро ҳуқуқ ва ислом ҳуқуқи билан тартибга солишда ҳам аниқ фарқлар мавжуд. Миллий даражада муҳокама қилиш айниқса қийин бўлган масалалар орасида никоҳсиз туғилган боланинг исми ва шахси ҳамда фарзанд асраб олувчининг исмини асраб олинган болага ўтказиш масалалари мавжуд [11].

Боланинг келиб чиқишини аниқлашда давлатнинг иштироки турлича бўлиши мумкин. Жан-Филипп Деккен (London университети) Ҳиндистон дунёвий давлат эканлигига ва ислом ҳуқуқини умумий ҳуқуқ манбаи сифатида тан олмаслигига қарамай, мусулмон фуқаролар ўртасидаги низолар ислом нормалари асосида ҳал қилинишига эътибор қаратмоқда [12]. Кўриб чиқиладиган соҳада ягона норматив ёндашув мавжуд эмаслигига қарамай, фуқароларнинг динларини ҳисобга олмаган ҳолда ҳуқуқ ва эркинликларини ягона ҳуқуқий тартибга солишни яратишнинг конституциявий мақсади суд ҳамжамияти аъзоларига етакчи таъсир кўрсатади. Ислом нормаларини талқин қилишда улар ислом ҳуқуқини Ҳиндистон Конституциясида мустаҳкамланган асосий ҳуқуқлар тамойилларига яқинлаштиришга ҳаракат қилишади. XXI аср бошларида авж олган ушбу суд фаоллиги мусулмонларга дунёвий ҳуқуқ нормаларига мурожаат қилиш имкониятини берувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинишига олиб келди [13]. Дунёвий ҳуқуқ нормалари ва ислом нормалари ўртасидаги зиддиятлар муаммоси, биринчи навбатда, сўнгги йилларда фарзандликка олиш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқий қарашларни ривожлантириш учун жиддий саъй-ҳаракатларни амалга оширадиган судьялар зиммасига тушади.

Индонезия қонунчилиги унинг барча фуқароларига нисбатан татбиқ этилади. Бу ҳақда махсус изоҳ тегишли нормаларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Шу билан бирга, мусулмонларга нисбатан оилавий ҳуқуқ масалаларини Ислом судлари ва мусулмон бўлмаганларга нисбатан ушбу масалалар умумий юрисдикция судлари кўриб чиқади [14]. Бундай икки томонлама юрисдикция ва аризаچининг судлардан қайси бирига мурожаат қилишини танлаши мумкинлиги Ислом судларини “либерал қадриятлар”ни кўпроқ қабул қилиши мумкинлиги нуқтаи назаридан билдирилган.

Бир юрисдикция доирасидаги мусулмон ва мусулмон бўлмаган меъёрлар билан оилавий масалаларни турлича тартибга солишга имкон берадиган давлат ҳуқуқий плюралиزمи давлатнинг ушбу ва тегишли масалаларни тартибга солишда иштирок этиши турли диний гуруҳларга нисбатан турлича бўлишига олиб келади. Бундай вазиятда болаларни оилага жойлаштиришни тартибга солишда “давлатнинг роли” ҳақида эмас, балки унинг бир нечта функциялари ҳақида гапириш ўринли бўлади [15].

Макс Планк қиёсий ва халқаро хусусий ҳуқуқ институтидан Дорте Энгельке 14 та юрисдикцияларда боланинг келиб чиқиши ва оила тузилишини ўрнатишни тартибга солишда давлатнинг ролини қиёсий таҳлил қилади. Тадқиқот тўрт соҳага тегишли: қонунчиликни тартибга солиш, судлар ва идораларнинг роли; оиладан маҳрум бўлган болалар учун васийлик ва молиявий ёрдам ва хизматларни тартибга солиш [16].

Тунис-фарзандликка олиш(tabanni)га қонуний рухсат берилган ягона мусулмон мамлакат ҳисобланади [17]. Бошқа барча мусулмон давлатлари ва Марказий Осиё давлатларида ота-онадан маҳрум бўлган болаларни янги оилаларга жойлаштиришни таъминлаш учун бошқа ҳуқуқий схемалар фаолият кўрсатмоқда. Бу тенденциялар орасида оила ва никоҳ тушунчаларининг кенгайиши, турмушга чиқмаган аёлларнинг асраб олувчи ота-она бўлишига имкон бериш ва ҳоказо [18].

Мусулмон мамлакатларидаги насроний озчиликлар орасида асраб олиш “кулранг зона” бўлиб қолмоқда. Аксарият давлатларда мусулмон бўлмаганлар болани оилага олишга рухсат берилган шахслар рўйхатидан чиқарилмайди. Бироқ улар фақат мусулмон бўлмаган болалар учун ота-оналар бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларда болани оилага жойлаштириш тўғрисидаги қонунларда мусулмон бўлмаганлар умуман ота-она бўла олмайдиган қоидалар мавжуд. Шундай қилиб, улар мусулмон бўлмаган болани оилага қабул қилиш имкониятидан маҳрум [19]. Баъзи мамлакатларда, шу жумладан, Эрон, Ливан ва Фаластинда масиҳийлар ўзларининг оилавий қонунларининг нормаларини асраб олиш учун қўллаш ҳуқуқига эга. Иордания, Ироқ ва Сурия каби давлатларда бу тартиб тақиқланган. Шу билан бирга, фарзандликка олишни тақиқловчи нормалар баҳсли ва амалда қўлланилмайди. Шундай қилиб, 2015 йилда Аммандаги юнон католик суди Иорданияда бу борада биринчи қарорни қабул қилди. Бу насроний жуфтликлар норасмий бўлса-да, оиласига болани асраб олиш мумкин, деб кўрсатади.

Давлат ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга муқобил парвариш қилишни тартибга солишга тобора кўпроқ аралашмоқда. Динидан қатъи назар, барча фуқароларга нисбатан ушбу масалани тартибга солувчи қонунчилик қоидалари мусулмон давлатларида ҳали ҳам жуда кам учрайди. Ҳиндистон ва Индонезия бу борада истиснолардир. Ва бу ерда қонунлар одатдаги қурилма схемаларини алмаштирмайди, аксинча мусулмон аҳолиси учун юрисдикцияни танлаш имкониятини очади [20]. Шу билан бирга, боланинг келиб чиқиши ҳуқуқини таъминлаш учун давлатлар оталик ва никоҳ презумпциясига қарши чиқмасликка ҳаракат қилишади.

Муаллифлар давлатлар никоҳсиз туғилган болаларга нисбатан камситишни камайтиришга интилаётган бир нечта стратегияларни кўрсатиб ўтади: ислом ҳуқуқига таъсир қилмайдиган масалаларни тартибга солиш; боланинг оиладаги ҳолатини тартибга солишнинг муқобил усуллари жорий этиш; муқобил юрисдикцияни жорий этиш (юрисдикцияни танлаш имконияти) шулар сирасидандир.

Бироқ бу усулларнинг барчаси ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан камситишни бартараф этмайди ва баъзида уларнинг аҳволини оғирлаштиради, бу эса турли шахсларга нисбатан бир хил масалани бошқача тартибга солиш имкониятларини келтириб чиқаради. Бундай болани оилага жойлаштириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда, чунки бу унга турли гуруҳларнинг даъвоси билан боғлиқ. Диний ва миллатчи жамоаларнинг бола учун кураши бу мавзунини сиёсийлаштиради. Бу давлатни боланинг келиб чиқишини аниқлаш соҳасидаги ташаббусларига эҳтиёт бўлиш зарурлигини англатади.

Ўзбекистон қонунчилигида никоҳсиз туғилган боланинг насл-насабини белгилаш масалалари бевосита “ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг” ФХДЁ органига биргаликда топширган аризаси асосида амалга оширилишини назарда тутди (ОКнинг 61-моддаси биринчи қисми). Бироқ боланинг онаси эркини ифода этиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда қонунчилик боланинг насл-насаби ўзини унинг отаси деб эътироф этаётган шахснинг аризаси асосида васийлик ва ҳомийлик органи билан келишган ҳолда белгиланади. Бунда қуйидаги фактлардан бири мавжуд бўлиши лозим: 1) она вафот этганида; 2) суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганида; 3) онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганида; 4) болани туққан аёл оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда.

Шунингдек, бола никоҳсиз туғилганида унинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши ҳолатларида оталикни белгилаш боланинг отаси номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан ҳомий томонидан берилади.

ОКнинг 207-моддаси учинчи қисмига кўра “никоҳда бўлмаган онадан бола туғилганда ота-онанинг биргаликдаги аризаси ва оталикни белгилаш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори бўлмаса, туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида отанинг фамилияси онанинг фамилияси бўйича, отага тегишли исм, отасининг исми ва миллати – она кўрсатмаси бўйича ёзилади”. Бу қоида боланинг насл-насабини белгилашда боланинг отаси аниқ бўлмаган вазиятларга нисбатан қўлланилади. Мазкур вазиятда давлат боланинг “манфаатларини мақбул таъминлаш” концепциядан келиб чиқиб, боланинг исми, отасининг исми ва фамилиясини унинг отасини аниқлаш имкони бўлмаган онанинг исми, отасининг исми ва фамилиясига қараб белгилайди.

Шу билан бирга, мазкур модданинг бешинчи қисмида “сунъий ҳомила ёки эмбрионни кўчириш” усуллари натижасида туғилган боланинг насл-насабини белгилашга оид қоида назарда тутилган. Бундай усуллар никоҳда бўлган эр-хотинга нисбатан қўлланилганда туғилган боланинг ота-онаси “сунъий ҳомила ҳосил қилиш ёки эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган шахслар” ҳисобланади.

Амалдаги ОКда “суррогат оналик” билан боғлиқ қоидалар ҳам назарда тутилган. Бунда “ўзаро никоҳда бўлган ва бошқа аёлга ҳомилани ривожлантириш мақсадида эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган шахслар болани туққан аёлнинг (қондош онанинг) розилиги билангина боланинг ота-онаси деб ёзилиши мумкин”лиги ОКнинг 207-моддаси олтинчи қисмида назарда тутилган. Бошқача айтганда, суррогат она розилиги билангина ўзаро никоҳда бўлган ҳамда эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган эр-хотин суррогат онадан туғилган ушбу боланинг ота-онаси деб ҳисобланиши мумкин.

Суррогат оналикнинг болани насл-насаби белгилашда тутган ўрни масаласида турли давлатлар қонунчилигида турлича ёндашув белгиланган. Масалан, Россия Федерацияси Оила кодексининг 51-моддаси 4-қисми иккинчи хатбошисида ўзаро никоҳда бўлган ва бошқа аёлга эмбрионни кўчиришга розилик берган шахс шу аёл билан “ҳомиладорлик ва болани туғиш тўғрисидаги шартнома – суррогат оналик тўғрисидаги шартнома” тузилган шартномага кўра фақат болани туққан онасининг розилиги билан боланинг ота-онаси сифатида ФХДЁ

хужжатида қайд этилиши мумкинлигини назарда тутати. Бундан фарқли равишда Украина Оила кодексининг “қўшимча репродуктив технологияларни қўллаш натижасида туғилган боланинг насл-насабини белгилаш” деб номланган 123-моддасида қуйидаги қоидалар белгиланган:

1. Агар хотин эрининг ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш натижасида ҳомиладор бўлган болани туғса, у боланинг отаси сифатида қайд этилади.

2. Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш натижасида эр-хотин томонидан ҳосил қилинган ҳомила кўринишидаги инсон эмбриони бошқа аёл танасига ўтказилган тақдирда, боланинг ота-онаси эр-хотин ҳисобланади.

3. Эр-хотин, ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш натижасида эри ва бошқа аёл томонидан ҳосил қилинган ҳомила кўринишидаги инсон эмбриони танасига ўтказилгандан кейин хотини томонидан туғилган боланинг ота-онаси сифатида тан олинади.

Бу нормадан англашиладик, Украина қонунчилигида эр-хотин ҳар қандай ҳолатда ҳам суррогат оналик асосида туғилган боланинг ота-онаси ҳисобланади. Бунда қуйидаги уч хил вариант келтирилмоқда:

1) ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиб, хотин эрининг розилиги билан ҳомиладор бўлиб бола туғса;

2) ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиб, эр-хотин томонидан ҳосил қилинган эмбрионни бошқа аёл кўтариб юриб туғса;

3) эр ва бошқа аёл ҳосил қилган эмбрион хотиннинг танасига ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиб, жойлаштирилиб хотин болани туғса.

Кўрсатиб ўтилган учала ҳолатда ҳам эр-хотин боланинг ота-онаси саналади ва боланинг насл-насаби ота-онасига қараб, аниқланади.

Фикримизча, бу борада Украина қонунчилигининг ёндашуви ўринлидир. Чунки фарзандли бўлиш борасида қонуний никоҳдаги эр-хотиннинг ёрдамчи репродуктив воситаларидан фойдаланиши ҳамда бу масалада бошқа аёл билан шартномавий муносабатларга киришиши ўзаро розилик билан амалга оширилишидан келиб чиқиб, боланинг ота-онаси ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланишга розилик билдирган эр-хотин бўлишини кўрсатади. Бунда суррогат онанинг розилиги тарафлар ўртасида тузилган суррогат оналик шартномасида белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ali Sh S. A step too far? The journey from «biological» to «societal» filiation in the child's right to name and identity in Islamic and international law // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, N 3. – PP. 383–407.

2. Ali Sh S. A step too far? The journey from «biological» to «societal» filiation in the child's right to name and identity in Islamic and international law // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, N 3. – P. 384.

3. Dequen J.-P. Filiation and adoption among Muslims in India: The quagmires of a religious minority law // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, – N 3. – PP. 336–355.

4. Dequen J.-P. Filiation and adoption among Muslims in India: The quagmires of a religious minority law // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, – N 3. – PP. 336.

5. Dequen J.-P. Filiation and adoption among Muslims in India: The quagmires of a religious minority law // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, – N 3. – PP. 337.

6. Engelcke D. Establishing filiation (nasab) and the placement of destitute children into new families: What role does the state play? // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, N 3. – PP. 408–432.

7. Engelcke D. Establishing filiation (nasab) and the placement of destitute children into new families: What role does the state play? // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, N 3. – P. 411.

8. Engelcke D. Establishing filiation (nasab) and the placement of destitute children into new families: What role does the state play? // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, N 3. – P. 410.

9. Engelcke D. Establishing filiation (nasab) and the placement of destitute children into new families: What role does the state play? // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, N 3. – P. 430.

10. Engelcke D., Yassari N. Child law in Muslim jurisdictions: The role of the state in establishing filiation (nasab) and protecting parentless children // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, N 3. – P. 332–335.

11. Engelcke D., Yassari N. Child law in Muslim jurisdictions: The role of the state in establishing filiation (nasab) and protecting parentless children // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, N 3. – P. 333.

12. Engelcke D., Yassari N. Child law in Muslim jurisdictions: The role of the state in establishing filiation (nasab) and protecting parentless children // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, N 3. – P. 334.

13. Engelcke D., Yassari N. Child law in Muslim jurisdictions: The role of the state in establishing filiation (nasab) and protecting parentless children // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, N 3. – P. 334.

14. Engelcke D., Yassari N. Child law in Muslim jurisdictions: The role of the state in establishing filiation (nasab) and protecting parentless children // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, N 3. – P. 332–335.

15. <https://testdnk.pro/informacia/ustanovlenie-otcovstva-v-raznyx-stranax-mira.html>

16. Nurlaelawati E., van Huis S.C. The status of children born out of wedlock and adopted children in Indonesia: Interactions between islamic, adat, and human rights norms // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, № 3. – P. 357.

17. Nurlaelawati E., van Huis S.C. The status of children born out of wedlock and adopted children in Indonesia: Interactions between islamic, adat, and human rights norms // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, № 3. – P. 358.

18. Nurlaelawati E., van Huis S.C. The status of children born out of wedlock and adopted children in Indonesia: Interactions between islamic, adat, and human rights norms // Journal of law and religion. – Cambridge, 2019. – Vol. 34, № 3. – P. 382.

19. Абдуллаева Д. Mehnat shartnomasini bekor qilishda mediatsiya instituti: milliy va xorijiy tajriba // Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 6/S. – С. 113-118.

20. Абдуллаева Д. Иш вақти режими ва ҳисоби ҳамда уни ташкил этиш тартиби //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 6/S. – С. 225-234.

21. Абдуллаева Д. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамалакатларда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари // Журнал правовых исследований. – 2020. – №. SPECIAL 2-1.

22. Гусев М.А. Институт отцовства в Республике Казахстан: проблемы правового обеспечения: дис. ... докт. филоисофии (PhD). – Алматы: 2020. – 44 с.

23. Кравчук Н.В. Проблема установления происхождения ребенка и право ребенка на семью в контексте исламского права // <https://cyberleninka.ru/article/n/problema-ustanovleniya-proishozhdeniya-rebenka-i-pravo-rebenka-na-semyu-v-kontekste-islamskogo-prava>